

Психолог билан танишув

“Ер ресурсларини бошқариш” факультетида маърузалар залида жорий йилнинг 8 ноябрь куни 1 курс талабаларга факультети декани Ш.Нарбаев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳ.Эшова ташаббуси билан институт психологи М.Мухамедова билан танишиш ва уларга “Психологик хизмат” тўғрисида ахборот бериш мақсадида давра сұхбати ташкил этилди.

Йиғилишга гуруҳ мураббийлари ҳам иштирок этишди. Сұхбат аввалида психологи М. Мухамедова руҳиятшуноснинг вазифаси нималардан иборатлиги тўғрисида талабаларга тақдимот қилиб маълумот бериб ўтди. Шунингдек, сұхбат сўнгига барча талабаларнинг бир – бирларини яхши танимаганликлари учун “Танишув” тренингини ўтказди.



Бунда ҳар бир иштирокчи ўз исми, позитив хусусиятларидан учтаси ва негатив хусусиятларидан учтасини айтиш кераклиги топшириғи берилди. Соат стрелкаси бўйлаб ҳар бир иштирокчи ўз яхши ва ёмон томонларини санаб ўтишди. Айрим талабалар ўз яхши хусусиятларини ҳам аита олишмади. Уларга “Ўз – ўзига баҳо”нинг пастилиги ва бу хусусиятларни ўстириш учун уларга психолог кўмаги лозимлиги айтиб ўтилди.

Айримлари ўларининг ёмон хусусиятларини тан ола билганликлари мардлик эканлиги айтиб ўтилиб, мард инсон ёмон хусусиятларини йўқота олиши учун ирова кучи мажудлиги тушунтириб ўтилди ва бундай одатлардан воз кечиш усууллари ҳақида сўз юритилди. Тренингда барча талабалар фаол иштирок этишди. Шунингдек З - талабалар тураг жойида факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳ.Эшова, институт хотин-қизлар кенгаши раиси З.Ҳафиза, институт психологи М.Мухаммедовалар ташаббуси билан барча талаба-қизлар билан “Очиқ мулоқот” тарзда давра сұхбати бўлиб ўтди.



Унда факультет декани мувовини Ҳ.Эшова институт хотин-қизлар кенгаши раиси, институт психологи, талаба қизларга таниширишдан бошланди. Қизлар билан доимий равища ишлайдиган, ҳар қандай ҳолатларда тушкунликка ёки қандайдир муаммоси бўлган талаба-қизлар бевосита шу икки инсон билан доимий бирга ишлашлари тўғрисида маълумотлар берилди.

ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳуррият Эшова ахбороти

Institut matbuot kotibi Rahimboy Jumaniyozov